

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**УЗАКОВ ШУҲРАТ ШАРОПОВИЧ**

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА  
ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ҲИМОЯ  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд  
экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Table of contents of the authoror abstract of the dissertation of Doctor  
of Philosophy (PhD)**

**Узаков Шухрат Шаропович**

Дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
прокурор томонидан ҳимоя қилиш масалалари..... 3

**Узаков Шухрат Шаропович**

Вопросы защиты прав и законных интересов потерпевшего прокурором на  
стадии предварительного следствия..... 23

**Uzakov Shuhrat Sharopovich**

Issues of Prosecutorial Protection of Victims' Rights and Legal Interests During  
Preliminary Investigation..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**УЗАКОВ ШУҲРАТ ШАРОПОВИЧ**

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА  
ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ҲИМОЯ  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд  
экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Үи1368/рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Ваҳобжон**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Пўлатов Бахтиёр Халилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Тулаганова Гулчехра Захитовна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үи.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 03 апрель куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.:(99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.:(99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 19 март куни тарқатилди.  
(2024 йил 19 мартдаги 22-рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Мамасиддиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
юридик фанлар доктори, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, ю.ф.ф.д (PhD), доцент

**М.А.Аминжонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, юридик  
фанлар доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини судда самарали ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқий ҳимоя воситаси билан таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенциянинг 13-моддасига кўра, ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахс судда самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиши керак.<sup>1</sup> Human Rights Watch ташкилотининг 2024 йилдаги жаҳон ҳисоботида кўра, “Ҳар йили миллионлаб инсонлар жиноятдан жабр кўрганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этган ва бунга қарши курашиш бўйича 100 га яқин мамлакатлар иштирокчилари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берган”.<sup>2</sup> Шундай экан, судда жабрланувчининг ва айбланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўшимча кафолати сифатида прокурорнинг жиноят процессида иштирок этиши одил судловни рўёбга чиқаришга кўмаклашишга хизмат қилади. Бу эса прокурорнинг ишнинг моҳияти бўйича судга ўз позициясини етказиш имкониятини яратиш, жиноят процессининг барча босқичларида жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтиришга қаратилган қонунчилик нормаларини такомиллаштириш зарурати юзага келтирмоқда.

Жаҳонда судгача ва суд босқичида жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини прокуратура органлари томонидан ҳимоя қилиш, шунингдек жинойий қилмиш туфайли шахсга етказилган жисмоний, маънавий ва моддий зарарни қоплаб бериш бўйича оптимал чоралар изланмоқда. World Justice Project (WJP) “Қонун устуворлиги” индекси бўйича берилган маълумотларга кўра, 2024 йилда 142 давлатда одил судлов соҳасидаги кўрсаткичлар 61 фоиздан 56 фоизга пасайган.<sup>3</sup> Бугунги кунда терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва суд босқичида жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини прокурор томонидан таъминлаш борасида илмий-назарий изланишлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида жиноятлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга моддий ва маънавий зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади.<sup>4</sup> Жабрланувчи жиноят процессининг муҳим иштирокчиси бўлиб, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этилмоқда. Айниқса, жабрланувчини ҳимоя қилиш прокурорнинг асосий функциясидир, унинг рад этилиши эса иш борасида ҳақиқатга эришиш ғояларини, жиноят процессуал ҳуқуқи мақсад ва вазифаларини, шунингдек, Конституция ва ҳалқаро умумэътироф этилган нормаларда олий қадрият

<sup>1</sup> “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция. Рим, 1950 йил 4 ноябрь.

<sup>2</sup> [https://www.hrw.org/sites/default/files/media\\_2025/01/World%20Report%202025.pdf](https://www.hrw.org/sites/default/files/media_2025/01/World%20Report%202025.pdf)

<sup>3</sup> <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/downloads/WJPIIndex2024.pdf>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. 29-моддаси 6-қисми.

сифатида эътироф этилган шахс ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этиш билан баробардир. Масалан, мамлакатимизда прокурор аралашуви билан кўзғатилган жиноий ишлар сони 2021 йилда 7037 та, 2022 йил 8374 та, 2023 йил 8253 тани ташкил қилди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан келиб тушган шикоятлар сони 2021 йилда 3010 та, 2022 йилда 2968 та, 2023 йилда 2442 тани ташкил қилган, 2024 йилнинг 6 ойида жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш қарори бекор қилиниб, кўзғатилган жиноятлар сони 2827 тани ташкил қилди. Шу муносабат билан, судгача ва суд босқичида прокуратуранинг ўрни ва функциялари, ваколатларининг чегаралари, уни амалга ошириш усуллари ва шакллари, процессуал вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишни ўрганиш каби муаммоли, мураккаб назарий ва амалий масалаларга дуч келинмоқда. Шу нуқтаи назардан, жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини прокурорлар томонидан ҳимоя қилишнинг концептуал муаммоси илмий тушунишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 26 июндаги ПҚ-5163-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал

қонунчилигидаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари” (2017-2023 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимларидан Ғ.А.Абдумажидов, М.Х.Рустамбаев, Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, В.Каримов, Д.М.Миразов, Ф.М.Мухитдинов, С.М.Рахмонова, У.А.Тухташева, Г.З.Тўлаганова, М.З.Раджапова, Д.С.Довудова, А.Тошпўлатов, А.С.Пўлатовлар<sup>5</sup> томонидан тайёрланган илмий ишларда жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича далилларни баҳолашда ички ишонч масалаларига оид айрим жиҳатлар тадқиқ қилинган.

Жумладан, Д.Б.Базарова жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари (2022), Д.Р.Тураева жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш (2020) муаммоларини ўрганганлар.

МДХга аъзо мамлакатлар олимларидан В.М.Савицкий, К.Ф.Скворцов, Д.В.Качурин, В.З.Гущин, Н.П.Кириллова, О.А.Кожевников, В.С.Шадрин, Б.А.Мириев, М.С.Строгович, Т.Н.Добровольская, О.В.Теребилина, В.М.Быков, Л.П. Масленникова, Д.П.Чекулаев, С.А.Шейфер, А.Гриненко, П.С.Элькинд, В.Е.Квашис, Е.Г. Лихадаев, С.А.Саушкин, А.А.Абраменко, Ф.Багаутдинов, В.И.Пустовалов, В.М.Назаренко, П.В.Буланова, Е.И.Свечникова, Л.О.Брусницин, В.Савицкийлар тадқиқотларида судгача ва суд босқичида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокурор назорати каби масалалар ўз ифодасини топганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан кўриш мумкинки, уларнинг аксар қисмида дастлабки тергов босқичида жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назорати билан боғлиқ кўплаб муҳим назарий масалалар муҳокама этилган. Шу боис, жиноят процессининг барча босқичларида прокурор назорати тадқиқ қилиниши долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда “Прокурор назорати ва одил судловни амалга ошириш муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини прокурор томонидан таъминланишини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дастлабки терговда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг прокурор томонидан таъминланишининг ижтимоий заруратини очиб бериш;

дастлабки терговда прокурорнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги фаолиятини ўрганиш;

---

<sup>5</sup>Мазкур ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

дастлабки терговда жабрланувчини ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг прокурор томонидан таъминланиши принципларини таҳлил қилиш;

дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўрни ва ролини очиқ бериш;

дастлабки тергов босқичида прокурор назоратини жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш кафолати сифатида ўрганиш;

дастлабки тергов босқичида жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурорнинг ролини таҳлил қилиш;

дастлабки тергов босқичида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини прокурор томонидан таъминлашнинг самарадорлигини оширишни тадқиқ қилиш;

жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича прокурорнинг ролини ўрганиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиёти самарадорлигини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини прокурор томонидан таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини прокурор томонидан таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи миллий, халқаро ва хорижий мамлакатлар қонун нормаларининг ривожланиш йўналишлари, жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини прокурор томонидан таъминлаш билан боғлиқ илмий-назарий қараш ва ёндашувлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда формал мантиқ, тизимийлик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, амалиётда юритилган жиноят ишларининг ҳамда статистик маълумотларнинг таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

прокурор гувоҳ ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги терговчининг қарорини асослигини текширишга ҳақли эканлиги асослантирилган;

судда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланиши зарурлигини асослаб берилган;

кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёнида (гумон қилинувчи, айбланувчининг иштироки) гувоҳ ёки жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки руҳиятига таъсир қиладиган ҳолат юзага келиш хавфи мавжуд бўлганида, гумон қилинувчи ва айбланувчини суд мажлисига чақирмаслик зарурлиги илмий асосланган;

жабрланувчи ва унинг вакили суднинг ҳукми (ажрими) устидан тегишинча апелляция, кассация ва тафтиш тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги асослантирилган;



гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли деган таклифлари асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

прокуратура назоратининг мақсади прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни таъминлаш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятининг якуний натижаси эканлиги асослаб берилган;

прокурор назоратининг асосий вазифалари конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш каби чора-тадбирлардан ташкил топганлиги асослантирилган;

прокурор жиноят ишини юритишда давлат номидан жиноий таъқиб қилишни, шунингдек, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи мансабдор шахс эканлиги асослантирилган;

ҳар бир жиноятни тез, ҳар томонлама ва тўлиқ фош этилиши ҳақида биринчи навбатда прокурорга катта маъсулият юкланади деган хулоса шакллантирилган;

прокурорнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид фаолиятини кучайтириш борасидаги тенденция айниқса жиноят ишини кўзғатиш босқичида намоён бўлмоқда. Чунки, жиноят тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳал қилиш босқичида қонун талабларига риоя этилиши устидан прокурор фаолияти – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларидан бири ҳисобланиши асослаб берилган;

прокурорнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти жиноят процессининг барча босқичларида амалга оширилади. У қандай вазифани бажаришидан (хоҳ ҳимоя, хоҳ айблов томон бўлишидан) қатъи назар, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши очиб берилган;

қонунийлик тамойили прокурорларга бир қатор талабларни қўяди, яъни, прокуратура органлари тизими учун қонунийлик принципи, бир томондан, назорат ва бошқа фаолиятнинг мақсадини белгиласа, иккинчи томондан эса, прокурор фаолиятини амалга ошириш усуллари ва воситаларининг қонун талабларига бўйсунлигини тавсифлайди;

жабрланувчининг жиноят процессидаги иштироки, тутган ўрни ва роли, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, адолатни таъминлашга, айбдорларни жазолашга қаратилган суд жараёнларининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Жабрланувчининг иштироки жиноят ишининг қонуний ва

адолатли натижасига эришишга ёрдам беради ва жараённинг барча иштирокчилари манфаатлари мувозанатини таъминлайди.

прокурорнинг судда иштирок этишнинг қуйидаги мақсадлари очиб берилган: биринчидан, прокурор суд муҳокамаси босқичида давлат номидан айбловни қўллаб-қувватловчи шахс сифатида, иккинчи томондан, жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс, учинчидан эса, прокурор одил судлов мақсадларига эришишга ҳисса қўшувчи шахс сифатида судда иштирок этади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, Конституция ва қонунларда белгиланган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган бўлиб, тадқиқот мавзуси юзасидан ижтимоий сўровномаларда 3839 нафар шахслар, хусусан терговчилар, прокурор ва судьялар иштирок этиб, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий наشرларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусидаги илмий фаолиятда, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, прокуратура фаолиятининг концептуал ғояларини янада ривожлантириш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, жиноят-процессуал ҳуқуқи, хусусий айблов институти, ҳимоя институти назарияси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мазкур ишда давлат айблови ва бошқа функцияларни таъминлаш билан бир қаторда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурор фаолиятининг аҳамияти кўрсатилган, бу эса ўз навбатида қонунийликни таъминлашга, ҳимоя ва прокурор назорати билан боғлиқ амалиётни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

прокурор гувоҳ ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги терговчининг қарорини асослигини текширишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 17 сентябрдаги №3/08-175-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши дастлабки тергов жараёнида жиноят процесси иштирокчиларининг кўрсатувларини

олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга доир прокурорнинг ваколатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

судда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланиши зарурлиги деган таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 17 сентябрдаги №3/08-175-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани судда кўриб чиқишда прокурорнинг иштирокини таъминлаш имкониятларини оширишга хизмат қилган;

кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчининг иштироки гувоҳ ёки жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки руҳиятига таъсир қиладиган ҳолат юзага келиш хавфи мавжуд бўлганида, гумон қилинувчи ва айбланувчини суд мажлисига чақирмаслик зарурлигини асослайди деган таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 17 сентябрдаги №3/08-175-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёнида прокурорнинг жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг хавфсизлигини таъминлашга доир ваколатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жабрланувчи ва унинг вакили суднинг ҳукми (ажрими) устидан тегишинча апелляция, кассация ва тафтиш тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақли деган таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-869-сонли Қонунида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 25 сентябрдаги 27/2-250-24-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши суднинг ҳукми (ажрими) устидан жабрланувчи ва унинг вакилининг тегишинча апелляция, кассация ва тафтиш тартибида шикоят беришга доир ҳуқуқларини, прокурорнинг протест келтиришга доир ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилган;

гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг қўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли деган таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сонли Қонунида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 12 февралдаги №3/dn-22-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа шахсларнинг электрон маълумотларнинг кўчирма нусхасини олиш ва тақдим этишга доир ҳуқуқларини таъминлаш имкониятларини янада оширишга хизмат қилган.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг апробацияси.** Ушбу диссертация тадқиқотинининг натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 10 та илмий мақола (3 таси хорижда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини прокурор томонидан таъминланишининг назарий-ҳуқуқий асослари”** номли биринчи бобида дастлабки тергов босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг прокурор томонидан таъминланишининг ижтимоий зарурати, жиноят процессида прокурорнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги фаолияти ва принциплар тизимини такомиллаштириш масаласи таҳлил қилиниб, уларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган.

Ҳар йили мамлакатимизда минглаб одамлар жиноят қурбонига айланади. Бу ўз навбатида, жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳам кенг кўламли хусусиятга эга эканлигини англатади. Терговга қадар текширув, дастлабки тергов босқичида прокурор назоратининг ўзига

хослиги нафақат жиноят ишини юритилишида қонунийликни таъминлаш, балки уни бевосита амалга оширишга ҳам масъулият юклайди.

Прокурорлар Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ваколатларидан кенг фойдаланган ҳолда жиноят процессининг турли босқичларида жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдилар. Демак, ишда прокурорнинг судгача бўлган босқичдаги фаолияти нимага қаратилганлиги, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида турли нуқтаи назарлар ўрганилади.

Тадқиқотчи прокурорнинг жиноят процессидаги фаолияти кўп функцияли мазмунга эгаллигини асослайди, жумладан: а) айбловни қўллаб-қувватлаш; б) назорат қилиш; в) жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш. Шунингдек, прокурор жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, у қандай вазифани бажаришидан (хоҳ ҳимоя, хоҳ айблов томон бўлишидан) қатъи назар, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Диссертацияда жиноят содир этилиши натижасида жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини прокурор назорати орқали таъминлашнинг долзарб жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Прокурор назорати икки шаклда, яъни жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза қилиши билан боғлиқ масалалар ишда таҳлил қилинган. Бунда содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабар берган шахсларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда прокурорнинг роли алоҳида таъкидланган. Чунки, қонунчиликда содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабар берган шахсларнинг процессуал мақоми белгиланмаган. Шу боис, қонунчиликда ушбу шахсларнинг процессуал мақомини белгилаш орқали, прокурорлар томонидан шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати кучайтирилади деган хулосага келинган. Одатда, шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати деганда, прокурорлар томонидан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш назарда тутилади.

Айбдор шахсларнинг ёки тегишли орган ходимларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида жиноят тўғрисида ариза ва хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини нормал амалга оширишга тўсқинлик қилинганда, Конституция ва қонунларда муҳофаза қилиш кафолатини (уларга боғлиқ ҳуқуқларни белгилаш) кучайтириш орқали, прокурорларда уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир этиш имкониятини пайдо қилиш назарда тутилган.

Тадқиқотчи Конституция ва қонунларда жиноятдан жабр кўрган ёки ариза берган шахсларнинг ҳуқуқларини ўрнатиш орқали, бир томондан, прокурорларга терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органларининг ноқонуний процессуал қарорларини бекор қилиш, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш имкониятини бериб, иккинчи томондан эса, таъқиб органи томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд қилмаслик, жиноят ишини қўзғатмаслик, тугатиш, жиноятдан жабр кўрган фуқароларнинг одил судловга эришиш ва уларга

етказилган зарарни қоплаш бўйича конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш имкониятини исботлашга ҳаракат қилган.

Муаллиф жиноят натижасида жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурор назоратининг кафолат функциясини такомиллаштириш орқали тўртта асосий вазифа бажарилиши мумкинлигини ажратиб кўрсатган: 1) *конституциявий тузумни ҳимоя қилиш*; 2) *жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш*; 3) *жамиyat ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш*; 4) *бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўриш*.

Қонунийлик, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айбсизлик презумпцияси, тортишувчанлик ва тенг ҳуқуқлилиқ, давлат айбловчисининг процессуал мустақиллиги принципи прокурор фаолиятининг асосий йўналишлари эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Жиноят процессида прокурор фаолиятининг асосий тамойили қонунийлик принципдир. Прокурор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида Жиноят-процессуал кодексида белгиланган жиноят ишини юритиш тартибига қатъий риоя қилиши, жиноят иши бўйича суд муҳокамаси пайтида конституциявий ва бошқа шахсий ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаши шарт. Прокурорнинг Жиноят-процессуал кодекси талабларига қатъий риоя этиши процессуал ваколатлардан нафақат жиноят содир этган шахсни фош қилиш, балки жабрланувчиларнинг, шунингдек, жиноят ишида хали процессуал мақоми белгиланмаган иштирокчиларнинг (аризачи, ҳабар берувчи) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни назарда тутди. Бу ўз навбатида, жиноят ишини кўзғатиш учун асос ва сабабларнинг ишончлилигини, қонунда рухсат этилган фаолият натижалари бўйича тегишли субъект томонидан асослантилган қарор қабул қилишни, қарор қабул қилишнинг процессуал муддатларига риоя қилинишини таъминлаб, шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишини олдини олади.

Диссертантнинг нуқтайи назарича, Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ва кафолатланган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар прокуратура органлари учун муҳим аҳамиятга эга, яъни, прокуратура органларига берилган бу ҳуқуқлар шунчаки қонуний имконият эмас, аксинча, шахс, жамиyat ва давлат олдидаги мажбуриятдир. Шу билан бирга, бу нафақат мажбурий талаб, балки прокуратура органларининг уларни амалга оширишга бўлган ҳуқуқидир. Прокуратуранинг мазкур жиҳати уларнинг давлатда ягона қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган мақсадининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Ишда Ғ.А.Абдумажидов, М.Х.Рустамбаев, Б.П.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, Д.М.Миразов, Ф.М.Мухитдинов, С.М.Рахмонова, У.А.Тухташева, Г.З.Тўлаганова, В.Каримов, М.З.Раджапова, Д.С.Довудова, А.Тошпўлатов, А.С.Пўлатов, Б.Т. Иброхимовлар ва бошқа олимлар фикрларининг таҳлили асосида, муаллиф томонидан прокурор назорати принципларнинг аҳамияти,

прокурор назорати функциялари, ваколатлари, прокурор назоратининг мақсадлари, вазифалари ва ҳуқуқий воситалари, шакллари тавсифи берилган<sup>6</sup>.

Мазкур процессуалист олимларнинг олиб борган тадқиқотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунларга прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашишда тутган ўрни ва ролини белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олган мустақил бўлим, модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосага келинади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида ЖПКнинг 329-моддаси 1-қисмига қуйидагича тўлдириш киритиш таклиф этилган:

“Ариза ва хабар берувчига жиноят ва (ёки) ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қабул қилинган ариза ёки хабарнинг рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки ариза ёки хабарни қабул қилган шахс, унинг рўйхатга олинган вақти ва рўйхатга олиш рақами кўрсатилган ҳолда берилади.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни қабул қилиш ва рўйхатга олишни рад этганлик тўғрисида прокурорга ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Содир этилган ёки содир этилаётган жиноят, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ариза ёки хабарни рўйхатга олишни рад этиш ёки яшириш Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.”

Диссертация ишининг “**Дастлабки терговда жабрланувчинининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини прокурор томонидан таъминланишининг амалий таҳлили**” номли иккинчи бобида дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўрни ва роли ҳамда прокурор назорати шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг кафолати шунингдек ривожланган мамлакатлар қонунчилик ва амалиёт тажрибасига доир илмий ва назарий таҳлилларга оид масалалар ўрганилган.

Жабрланувчининг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларни бартараф этиш, исботлашда иштирок этиш талаби жабрланувчининг мустақил функциясини ташкил этмайди, ушбу функция суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилади. Чунки, ушбу мажбуриятни Конституция ва қонунларга мувофиқ давлат жиноятдан жабр кўрган шахсларни муҳофаза қилиш кафолати сифатида олган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларини таҳлил қилиш асосида Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасига қўшимча қилиш таклиф этилади, бу эса жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири эканлигини белгилайди.

Тадқиқотчи ЖПК 55-моддаси 1-қисмига жиноят ҳақида ариза берган ёки жиноятдан жабр кўрган шахс учун “жиноят ишини кўзғатиш ёки рад қилиш тўғрисидаги қарор нусхасини олиш” бўйича кафолатловчи норма киритиш таклифини илгари суради. Бу эса ўз навбатида, жиноят тўғрисида ариза берган, жиноятдан жабр кўрган шахсни процессуал мақомини белгилаш орқали

---

<sup>6</sup> Ушбу олимларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жиноят ишини қўзғатиш ва тергов босқичида прокурор назоратининг кафолатловчи ролини оширишга хизмат қилади, шунингдек, жабрланувчи ўз адвокати орқали мансабдор шахснинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан прокурорга шикоят қилиши имкониятини ҳам оширади. Шу билан бирга, муаллиф томонидан таклиф этилаётган ўзгартиришлар аризачига терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов натижаларини кузатиш, текширишдан олинган барча материаллар билан танишиш, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органлари мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларидан ёки қарорларидан норози бўлган тақдирда прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

Жиноят натижасида жабр кўрган шахс жиноий фаолият қайси босқичда эканлигидан қатъи назар, жабрланувчи деб тан олинishi керак: тайёргарлик, суиқасд ёки тугалланган жиноятми, шунингдек, унга мулкий ёки жисмоний зарар етказилганлиги билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Ҳаттоки, суиқасд қилиш оқибатида, шахсга маънавий зарар етиши мумкин, бу психологик стресс, кўрқув ҳисси ва бошқа салбий ҳис-туйғуларни келтириб чиқаради.

Диссертацияда жабрланувчи жиноят процессида процессуал мақомга эга бўлиши кўп жиҳатдан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяга боғлиқлигини изоҳлайди. Жиноят ишида жабрланувчи процессуал мақомга эга бўлиши учун, **биринчидан**, ижтимоий хавфли қилмиш юз берган бўлиши, яъни ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат амалга оширилган бўлиши керак; **иккинчидан**, шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етган деб ҳисоблаш учун етарли далиллар мавжуд бўлиши керак; **учинчидан**, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан тегишли қарор ёки ажрим билан расмийлаштирилиши лозим, яъни шахс ўз мақомини ўзи белгилай олмаслигини асослайди.

Муаллиф, мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ҳар кимнинг бепул малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони 15-бандида, яъни адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш доирасида жиноят ишларида қатнашаётган шахслар агар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлса, фуқароларга давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартибини жорий этиш бўйича устувор вазифалардан келиб чиқиб, ЖПК 55-моддаси 1-қисмида жабрланувчининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда (ижтимоий ҳимоя муҳтож, кам таъминланган, жисмоний нуқсонли мавжуд ва бошқа) суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда жабрланувчининг вакили сифатида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши масаласини илгари суради.

Тадқиқотчи жиноят тўғрисида ариза берган, жиноятдан жабр кўрган шахснинг процессуал мақомини белгиланиши масаласини илгари суриши айниқса, жиноят ишини қўзғатиш ва тергов босқичида прокурор назоратининг кафолатловчи ролини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, жабрланувчи ўз



адвокати орқали мансабдор шахснинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан прокурорга шикоят қилиш имкониятини ҳам оширади.

Диссертант жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати билан боғлиқ бир қатор ривожланган давлатлар ҳуқуқ тизимини ўрганган. Жумладан, англо-саксон ва роман-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи ривожланган мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилган. Бунда, асосан АҚШ, Германия, Франция, Австрия, Бельгия, Италия, Испания, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия каби мамлакатларда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларига эътибор қаратган.

Айниқса, АҚШда жиноятдан жабрланганларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ асосий ҳужжатлар жумласига “Жиноятдан жабрланганлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Билль”, “Жиноят жабрдийдалари ва гувоҳларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Федерал қонун, “Жиноят қурбонларини мажбурий рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун, “Жиноят қурбонлари ҳуқуқлари” ва “Гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш программаси” кабилар киради.

Шунингдек, Германияда жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш худди Ўзбекистон ҳуқуқ тизимларига ўхшашлиги туфайли ҳуқуқий доктриналар ва институтларни амалга ошириш нуқтайи назаридан ҳам таҳлил қилган.

Муаллиф тўпланган материалларни ўрганиш асосида замонавий шароитда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов даврида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини прокурор томонидан таъминланишининг натижавийлиги ва самарадорлигига кўп жиҳатдан барча элементларнинг қатъий тизимли ва функционал боғлиқлигини таъминлаш орқали эришиш мумкин, деган хулосага келади.

Ўтказилган таҳлиллар асосида тадқиқот ишида тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш механизмнинг ўзига хос элементлари кўрсатилган, асосланган ва тавсифланган, шунингдек, ушбу механизмнинг концепцияси шакллантирилган.

Диссертацияда прокурор барча терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолияти устидан доимий назоратни таъминлаши шартлиги тўғрисида асосли хулосага келган.

Диссертациянинг **“Дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурорнинг ўрни ва ролини такомиллаштириш”** деб номланувчи учинчи бобида дастлабки тергов босқичида жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш устидан прокурор назоратини ривожлантириш, шунингдек, дастлабки тергов босқичида жабрланувчининг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назорати ҳамда жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича прокурор ваколати самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш масалаларига оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси кўриб чиқилган.

Тадқиқотчининг фикрича, цивилизациялашган давлатнинг асосий вазифалардан бири бу – инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини расман тан олиш ва уларнинг ишончли ҳимоясини ташкил этишдан иборат.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор назоратининг предмети жиноят ҳақидаги аризани қабул қилиш, қайд қилиш, ҳисобга олиш ва ҳал қилиш ҳамда жиноят тўғрисида хабар бериш жараёнида жиноят содир этиш натижасида жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлашни ўз ичига олади. Шунингдек, ваколатли органлар томонидан аризани ҳал этиш, жиноят ҳақида хабар бериш жараёнида ва бунинг натижасида амалга оширилган ҳаракатлар, процессуал ва бошқа қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш муҳим саналади.

Тадқиқотчининг фикрича, прокурор жиноят ишини қўзғатиш босқичида назоратни кучайтириши лозим бўлиб, қонунчиликда прокурор назорат предметида киритилмаган қоидалар келгусида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахслари томонидан: 1) жиноят ишини ўз вақтида қўзғатмасликка; 2) далилларни йўқотилишига; 3) жиноятдан жабр кўрган шахсни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини сезиларли даражада пасайишига; 4) жиддийроқ қоидабузарликларни юзага келишига имкон беришига; 5) жиноятларни ҳисобга олишдан яшириш ҳолатлари кўпайишига олиб келади деган хулосага келган.

Жиноят ҳақидаги аризалар ва хабарларни қабул қилиш, қайд қилиш ва унинг ижроси билан боғлиқ масалалар прокуратура органларининг долзарб муаммоси эканлигини кўрсатади. Тадқиқот ишида статистик маълумотлар келтирилган бўлиб, прокурорлар томонидан аниқланган жиноятларни рўйхатга олишни яшириш фактлари сонининг кўпайганини кўрсатади. Диссертацияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятларни яшириш сабаблари таҳлил қилинган. Статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, прокурорнинг идоравий текширишлари натижасида жиноятни яшириш, аризаларни рўйхатга олмаслик, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги юзлаб қарорларни келтириш мумкин. Мисол учун, прокуратура томонидан аниқланишича, 2024 йилнинг 6 ойида ички ишлар органи ходимлари томонидан ҳисобдан яширилган жиноятлар сони 32 тага етган. Шу даврда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори бекор қилиниб, қўзғатилган жиноятлар сони 2827 тани ташкил қилган. 2023 йилнинг 12 ойида ички ишлар органи ходимлари томонидан ҳисобдан яширилган жиноятлар сони 22 та етган. Шундан, 2023 йилнинг 12 ойида рад қилиш тўғрисидаги қарор бекор қилиниб, қўзғатилган жиноятлар сони 5710 тани ташкил қилган. 2022 йилнинг 12 ойида ички ишлар органи ходимлари томонидан ҳисобдан яширилган жиноятлар сони 44 тани ташкил қилди. Шу даврда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор бекор қилиниб, қўзғатилган жиноятлар сони 5523 тага етган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллиф жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд қилишда назоратнинг замонавий усуллари кўллашга урғу берган.

Таъкидлаш лозимки, прокурорнинг судгача ва суд даврида ҳамда суддан кейинги даврда қонунлар ижросини назорат қилиш ва жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб бораётган иш фаолияти ҳажми ҳамisha катта бўлганлиги сабабли, янги таклиф этилаётган лойиҳа прокурорларнинг

назорат тизимини сезиларли даражада енгиллаштиришга олиб келишини назарда тутати.

Мисол учун, 1) жиноят ҳақидаги аризаларни электрон юритиш, прокурорларнинг жойларга бориб текширишларини ҳам вақт нуқтайи назаридан, ҳам ортиқча куч-воситаларни сарфлашни сезиларли даражада тежашга олиб келади; 2) жиноят ҳақидаги аризаларни электрон юритиш натижасида ариза берувчида электрон кузатиш имконияти пайдо бўлади; 3) судгача бўлган иш юритишда прокурорнинг процессуал назорати кенгайтирилиши жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад этиш қонунийлигининг қўшимча кафолатига айланади; 4) шу билан бирга жиноятдан жабр кўрган шахсларга қўшимча кафолат беради, яъни жиноятларни яширишнинг олди олинади; 5) жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги процессуал муддатларга риоя қилишни назорат қилиш имконияти пайдо бўлади; 6) жиноят иши қўзғатилгунга қадар терговга қадар текширув, суриштирув ёки тергов органларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилиши мумкин бўлади. Шундан келиб чиқиб, ЖПК 276, 324-моддалари мазмунини янги таҳрирда такомиллаштириш бўйича таклифлар асослантилган.

